2009 ЙИЛ, 20 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 36 (11.347) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкентда «Медиамаркетингнинг замонавий технологиялари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институти Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу анжуманда мамлакатимизда медиа маркетингни янада ривожлантириш, унга замонавий технологияларни кенг жалб этиш ҳақида сўз юритилди.**

**• Андижон шаҳрида жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**• Тошкентда «Ижтимоий ҳамкорлик жамият ривожланишининг муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган мазкур давра суҳбатида Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятлари институтларининг давлат томонидан қўллаб-кувватланишининг янги механизмлари ва уларни амалда татбиқ этиш масалалари муҳокама этилди.**

**• Республика Болалар бадиий ижодиёти марказида «Боболар мероси ворислар ижодида» номли кўргазма ташкил этилди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ҳунарманд ижодий ишлаб чиқариш уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўргазмада мактаб ўқувчиларининг 60 га яқин тасвирий санъат асарлари билан бирга, миллий халқ амалий санъатининг заргарлик, бадиий наққошлик, кулолчилик, каштачилик каби йўналишлари бўйича ижодий ишлардан намуналар кўрсатилди.**

**• Тошкент халқаро аэропортидан бир гуруҳ болалар даволаниш учун Германияга жўнатилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг «Фридендорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилган мазкур хайрли иш кам таъминланган оилалардаги хаста болаларни Германиядаги клиникаларда даволаниб қайтишини таъминламоқда.**

**• Янгийўл туманидаги Хонқўрғон маҳалласида замонавий гузар очилди. Унда ташкил этилган 15 турдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳудуд аҳолиси учун катта қулайликлар яратмоқда. Бу ерда кичик тикувчилик цехининг ишга туширилиши эса 6 нафар маҳаллий хотин-қизнинг иш билан таъминланишига имкон яратди.**

**• Фарғона шаҳридаги «Марказий деҳқон бозори» ўз фаолиятини вилоятда биринчи бўлиб электрон тизимга кўчирди. Бунинг учун барча савдо расталарининг ўринлари рақамлаштирилди. Эндиликда маҳсулот сотувчи патта олмай, юкини тўғридан тўғри тегишли жойга туширади, белгиланган тўлов ҳақини эса компьютерга туширтиради.**

### ЖАҲОНДА

**• Бугун Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси Конституцион судининг раиси сайланди.**

**• Япония бош вазири истеъфога чиққан молия вазири Сёити Накагава ўрнига иқтисодиёт вазири Каору Йосанони тайинлади. Накагава Римда ўтказилган матбуот анжуманида чиқишидан кейин юз берган тортишувлар боис истеъфо беришга мажбур бўлди.**

**• Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхуттонинг маслакдошлари мамлакат президенти Асиф Али Зардари томонидан таъқиб остига олинмоқда.**

**• Собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал Радован Каражичга нисбатан қўзғатилган айбловлар рўйхатини 11 тадан иккитага туширишга қарор қилди. Бироқ бу иккала айблов ҳам геноцид билан боғлиқ. Унинг биринчи банди 1992 йилда Босния ва Герцеговинада содир этилган ҳарбий жиноятларни ўз ичига олади. Иккинчисида эса Серебреницада қатлиом қилинган 8 минг мусулмонлар иши акс этган.**

**• Германия канцлери Ангела Меркель мамлакат банкларини миллийлаштириш борасида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини маъқуллади. Янги қонунда мамлакатдаги банкларни иқтисодий инқироз вақтида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.**

**• Колумбия ҳарбий кучларига тегишли разведка самолёти ҳалокатга учради. Бахтсиз воқеа мамлакат шимоли-ғарбида жойлашган Ла Дорада шаҳри яқинида рўй берган. Фалокат юз берган пайтда самолёт бортида бўлган олти кишининг ҳаммаси ҳаётдан кўз юмган.**

**• Кеча жаҳон етакчи биржаларида ўтказилган савдолар пайтида бир баррел нефтнинг нархи Лондон биржасида 41,99 доллар, Нью-Йоркда эса 39,48 доллар миқдорида қайд этилди.**

**• Болтиқ денгизида Латвиянинг «Унора» номли балиқчилар кемасининг чўкиб кетиши оқибатида 4 нафар балиқчи ҳаётдан кўз юмди, икки кишининг тақдири эса ҳамон номаълум. Ҳозирда қидирув ишлари давом этмоқда.**

**• АҚШнинг собиқ президенти Авраам Линкольн томонидан 1864 йили ёзилган маъруза қўлёзмаси «Кристи» кимошди савдо уйида 3,44 миллион долларга сотилди. Ушбу қўлёзма 1916 йилга қадар АҚШнинг 16-президенти оиласида сақланган. Кимошди савдосидан тушган маблағ Нью-Йоркдаги кутубхоналардан бирига янги бино қуришга йўналтирилади.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **КЕЧА** шаҳримизда шифокорлар ва ёшлар иштирокида ОИТСга қарши кураш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбир Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорликларида уюштирилди.

• **КЕЧА** Собир Раҳимов туман ҳокимлигида тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб туман фаоллари, тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар иштирокида семинар ўтказилди.

• **ЭРТАГА** Мирobod туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида «Турон» ахборот ресурслари маркази ҳамкорлигида ёшлар иштирокида уюштириладиган адабий кеча «Шеъриятга ошно кўнгиллар» деб номланади.

• **ЎТГАН** куни Ўзбекистон Давлат консерваториясида мутафаккир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 526 йиллик таваллуд кунига бағишлаб ўтказилган мусиқий-бадиий кеча «Назм ва наво» деб номланди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Гиёвандлик — эзгулик кушандаси» мавзуида ёшлар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

• **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, ташаббуси билан «Ким ҳаммадан кучли?» шиори остида стол тенниси бўйича уюштирилган мусобақаларда 12-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўзаро беллашишди.

• **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Миллий истиқлол ғояси ва ёшлар» деб номланди.

• **БУГУН** Мирobod туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйи курслари, тўгараклари аъзолари учун Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

***Бугунги кунда мамлакатимиз жуда катта интеллектуал ва илмий салоҳиятга эга десак адашмаймиз. Ҳукуматимиз ва Юртбошимиз томонидан ёш авлод таълими ва мутахассислигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мустақиллик йилларида таълим соҳасидаги ислоҳотлар натижасида самарали ютуқларга эришилди. Таълим йўналишидаги янгиланишлар, бунёдкорлик, қайта қуриш ишларининг барчамиз гувоҳимиз. Ушбу соҳадаги кўргазмалар орқали ушбу кенг кўламдаги ишлар намоён бўлмоқда.***








*Кўргазмалар*

## ИСЛОҲОТЛАР РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШАДИ

Кеча пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмалар залида очилган тўртинчи халқаро «Таълим ва мутахассислик» мавзуидаги кўргазма ҳам фикримиз далилидир. Мазкур кўргазма ООО «SSP-Expocontact» томонидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими вазирлиги, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ташкил қилинди. Кўргазманинг бош ахборот ҳамкори Uzjobs лойиҳасидир. BAS бизнес маслаҳат дастури ва Global study компанияси кўргазма ҳамкорлари сифатида қатнашмоқда.

Тўртинчи халқаро «Таълим ва мутахассислик» мавзуидаги ушбу кўргазма юксак мавқега эга бўлиб, таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ривожланиш истиқболига ўз ҳиссасини қўшади. Мазкур кўргазма тўрт йил давомида олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ва мамлакатимиз манфаатларини кўзда тутувчи янги таълим йўналиш ва мутахассисликларини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кўргазманинг мақсади, ёшларнинг манфаатларини муҳофазалаш, келажак эгаларининг жамиятда муносиб ўрин топишини таъминлаш, таълим жараёнида энг сўнгги ютуқларни намойиш қилиш, замонавий ахборот технологияларини ва жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат бозори ва жамият эҳтиёжлари асосида таълим хизмати сифатини такомиллаштириш ҳамда чет элларда мавжуд таълим хизматининг тўлиқ кўлами билан таништиришдан иборат.

«Таълим ва мутахассислик» кўргазмасида Тошкент Темир йўл муҳандислари институти, Тошкент Автомобил йўллари институти, Тошкент Архитектура-қурилиш институти, Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Томск институти, Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш ўқув маркази, «Donaev Management Consulting» компанияси, «Esorbus», «Карьера» ўқув марказлари ва бошқа ўқув юртлари иштирок этмоқда. Ушбу кўргазма доирасида бир қанча намойишлар, семинарлар ва танловлар ўтказилади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Таълим ва мутахассислик кўргазмасидан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар**

## СИНГАПУР ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАН МАНФААТДОР

**СИНГАПУР САЙЁҲЛИК АГЕНТЛИКЛАРИ МИЛЛИЙ УЮШМАСИ (ССАМУ)ДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбир иштирокчилари юртимизда сайёҳликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари, туризм саноатига сармоя киритиш учун яратилган шарт-шароитлар, халқимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, тарихий шаҳарларимиз, мамлакатимизнинг жўғрофий, табиий ва иқлим шароити билан танишишди. Йиғилганларда яқинлашиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи айниқса катта қизиқиш уйғотди.

Сингапурликлар эътиборига ўзбек давлатчилигининг шаклланиш тарихи, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Имом ал-Бухорий, Ибн Сино каби буюк аждодларимизнинг инсоният тамаддуни ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди. 2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдимот маросимидан сўнг бўлиб ўтган мунозаралар чоғида Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, ССАМУ бош директори Роберт Кху ўзининг кўп асрлик тарихи, улуғвор меъморий обидалари, дунё мероси сифатида эътироф этиладиган тарихий қадамжолари, халқининг меҳмондўстлиги билан машҳур бўлган Ўзбекистон Марказий Осиёнинг сайёҳлик маркази эканини таъкидлади. «Мамлакат ҳукумати томонидан хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар Ўзбекистон туризм бозорини инвесторлар учун ниҳоятда жозибадор соҳага айлантирмоқда ва биз юртингиз билан ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз», - деди Р. Кху.

ССАМУ вакиллари, шунингдек, Ўзбекистонда туризм саноати учун мутахассислар тайёрлаш учун катта салоҳият мавжудлиги, бу борада, хусусан, Сингапур туризм академияси билан Ўзбекистондаги мазкур соҳага ихтисослашган ўқув муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро фойдали бўлишини таъкидлашди.

Тақдимот якунида ССАМУ вакиллари Ўзбекистон билан яқиндан танишиш мақсадида юртимизга ташриф буюриш истагини билдиришди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ССАМУ Сингапурнинг хорижий мамлакатлар билан туризм соҳасидаги алоқаларини ривожлантириш билан шуғулланувчи асосий муассасадир. Уюшма вакилларининг Ўзбекистонга ташриф буюришга тайёр экани дунё сайёҳлик марказларидан бири бўлган Сингапурдаги профессионал туристик доиралар вакиллари мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканидан далолатдир.

**«Жаҳон» АА, Сингапур**

## ЎЗБЕКИСТОН-ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ ХУСУСИДА

18 февраль куни Душанбе шаҳрида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон — Тожикистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлислари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов ва Тожикистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Алимардон раислигида ўзаро муносабатларни ривожлантиришга доир, икки мамлакат манфаатлари учун муҳим аҳамиятга эга долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Комиссиялар иши якунида томонлар, мазкур учрашув асрлар давомида яхши қўшни ва дўст бўлиб яшаб келаётган икки халқ пайдо бўладиган барча масалаларни бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда ва тенг ҳуқуқлилик асосида ҳал қила олишининг яна бир далолати бўлди, деган хулосага келдилар.

**(ЎзА)**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЎРГАНИШ ВА УНДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида*

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий суд раиси Б.Мустафоев бошқарган йиғилишда мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Зеро, иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши, давлат бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ва ислоҳотларда босқичма-босқичлик дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг ҳаётийлигини янада чуқурроқ намоён этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани, уларга барча шарт-шароит яратилаётгани ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинаётгани иқтисодиётимиз барқарорлигининг муҳим омили бўлаётир. Бу халқимизнинг ошиб бораётган турмуш даражаси ва иқтисодий манфаатдорлигида ўз самарасини кўрсатмоқда.

Йиғилишда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида давлатимиз раҳбарининг маърузасидаги устувор вазифалар ижросини таъминлашга оид аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири**

2200 ТОШКЕНТ 2009 ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ

# ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!

## ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

**ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, КЎП ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ЯШАБ КЕЛАЁТГАН КЎЧАМИЗ, МАҲАЛЛАМИЗ, МАВЗЕ ВА ТУМАНИМИЗ ҲАҚИДА НИМА БИЛАМИЗ? УЛАРНИНГ НОМИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ, ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?**

Булар ҳақида озгина бўлса-да лекин аниқ маълумотлардан воқиф қилиш ниятида Миробод тумани фаоллари учун тарихшунос ва тилшунос олимлар кўмагида, шунингдек, «Ўзбеккино» миллий агентлиги тақдим этган ҳужжатли видеотасмалар орқали шаҳримиз ўтмиши ва бугунги кунига ўзига хос саёҳат уюштирилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган мазкур кўргазмали тадбир шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан Тошкент Давлат шарқшунослик институти ва Москва Давлат университетининг филиали билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Иштирокчиларнинг қизиқишига қараганда, мирободликлар Тошкент шаҳрининг мелодий тарихи айнан шу туман ҳудудидан бошланганлиги хусусида кўп ҳам маълумотга эга эмас. Гап шундаки, тарих фанлари доктори, ТДШИ профессори Мирсодиқ Исҳоқовнинг баён қилишича, бир жойда ривож топган Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидан фарқли ўлароқ, турли сабабларга кўра Тошкентнинг шаклланиши ўзгача кечган.

Археологик тадқиқотларга кўра, бугунги Тошкентнинг ўзаги Шоштепа шаҳарчаси (ҳозирги Сергели тумани ҳудуди)дан бошланади. Унинг «вориси» эса Мингўрик ҳисобланади. Мазкур шаҳарчанинг бундай мақомни олишига айнан ўзига хос маданият ўчоқлари сабаб бўлган. Бугунги Миробод тумани ҳудудида бундан икки минг йил аввал пайдо бўлган Мингўрикда мелодий III-IV асрларда ҳунармандчилик анча яхши ривожланган, кумуш, мис қазиб олинган, илк маҳалла тузилмалари ҳам шакллана бошлаган. Бинобарин, аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган Шоштепадан фарқли, Мингўрик манзилгоҳига иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳам хос бўлган. Еттинчи асрга келиб эса Мингўрик шу атрофдаги воҳанинг пойтахтига айланган.

Тарихчилар томонидан зикр этилган ушбу кичик маълумотлар Тошкентнинг турли номларда шаҳар сифатида шаклланиш давридаги илк вақтларга оиддир. Бу ҳақда янада кўпроқ билишни истаганлар эса бевосита жойига чиқиб ва кўриб маълумотга эга бўлиши мумкин. Баҳор келиши билан Ўзбекистон Фанлар академияси Тошкент археологик экспедицияси томонидан Мингўрик археологик ёдгорлигида қазилма ишлари давом эттирилади. Ўз вақтида таниқли археолог-олимлар Юрий Буряков ва Қобил Олимовлар ушбу шаҳарча ўрнида қазилма ишларини олиб боришган. Давлатимиз раҳбарининг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Қарорига биноан 2008 йил сентябрь-ноябрь ойларида ушбу ҳудудда яна изланиш ишлари бошланди. Пировардида ўтмиши икки минг йилдан ортиқ вақтга тенг азим Тошкентимизнинг ҳали очилмаган тарихий саҳифаларидан баҳраманд бўлишимиз шубҳасиздир.

Бугун шаҳримиз метро бекатларидан бири, маҳалла, яна бир қатор бошқа топонимик объектлар Мингўрик номи билан аталади. Туман номи ҳам тарихий тавсифга эга. Олим М.Исҳоқов таърифига кўра, аслида транскрипция-товушда «мироб» сўзи «мераб» бўлиши лозим. Ушбу сўз асосан ўқимишли, зиёли инсонлар, мударрисларга нисбатан айтилган. Арабий таржимаси «нур» сўзини билдиради. Луғавий маънода зиё сочиш билан баробардир.

Туман ҳудудидан Салор канали оқиб ўтади. «Салор» сўзи бир нечта маънода талқин қилинади. Илгарилари шу номдаги маҳалла ҳудуди қишлоқ кўринишидаги мавзе, яъни шу ҳудуднинг маркази ҳисобланган. Таржимада эса «лашкарбоши», яъни ҳарбийликка оид маънони билдиради.

Миробод туманидаги ҳар бир 39 та маҳалланинг номи аниқ манзилга нисбатан қўйилган деса бўлади. Масалан, «Оқуй» маҳалласи тарихи аслида узун. Атамашунос-олимларнинг фикрига қараганда, XIX аср бошларида бу ҳудудни деярли ўн йил давомида амир Олимхон бошқарган. Шу ҳам маълумки, у Нодирабегимнинг қайноғаси бўлган. Сўз маъносида эса бу ерларга мажбурий равишда Фарғона водийсидан кўчирилган аҳоли «оқуйликлар» дейилган.

«Қўйлиқота» маҳалласи номланиши талқинида иккита тушунча мавжуд. Кўпчилик муқаддас авлиё ота номи билан боғлайди.

Агарда XIX-XX асрлар тарихига мурожаат этадиган бўлсак, шаҳримизнинг ушбу ҳудудида адабиёт, санъат, илм-фан, таълим ривожига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб машҳур инсонлар яшаб ижод қилганини билиш мумкин. Албатта, бу борада айни пайтда туманда жойлашган таълим муассасалари, жумладан камида ярим асрлик тарихга эга Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Темир йўл муҳандислари институти, Тошкент Фармацевтика институти ва Ўзбек Давлат санъат институти — тўртта олий ўқув юртининг ўрни ҳам алоҳидадир.

Ўзбек Давлат санъат институти 1945 йилда ташкил топган бўлиб, ўтган йиллар ичида минглаб ижодкорлар театр, кино, эстрада, рассомчилик йўналишида одамларга нафосат улашиш мақсадида шу қутлуғ даргоҳдан йўлланма олган. Уларнинг ҳар бирини «нур, зиё тарқатувчи» деган муқаддас ном боғлаб туради. Бугунги кунда элнинг олқишига сазовор бўлган Турғун Азизов, Ёқуб Аҳмедов, Фаррух Зокиров, Озодбек Назарбеков, Раъно Шодиева, кўплаб етакчи режиссёр ва операторларнинг катта саҳнага қадами ушбу институтнинг ҳаваскор саҳнасидан бошлангандир.

ЎДСИ проректори Авазбек Маллабоев таъкидлаб ўтганидек, айни кунларда бу таълим масканида ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик шонли санасига қизғин тайёргарликлар кетмоқда. Куни кеча институт актёрлик театри, яъни талабалар ва ўқитувчилар иштирокида саҳналаштирилиб, ижро этилган «Робия Султонбегим афсонаси» видеофильми премьераси бўлиб ўтди. Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда юртимиз тарихий шахсларидан бирига бағишлаб тасвирга олинган мазкур видеофильмнинг яқин кунларда телевидение орқали намойиш этилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, институт ахборот-ресурс марказида талабалар ташаббуси билан «Тошкент ва тошкентликлар» мавзусида фотокўргазма ташкил этилган бўлиб, унда етакчи ижодкорлар қаторида шу олий ўқув юртида таҳсил олаётган ва фото оламига илк қадам қўйган ёшлар ҳам қатнашмоқда. Яқин кунларда Тошкент шаҳрига бағишланган бадиий фильмлар ҳафталиги ҳам ўтказилади. Унинг доирасида таниқли кинорежиссер, Ўзбекистон халқ артисти Шуҳрат Аббосов томонидан яратилган «Тошкент — нон шаҳри», «Маҳаллада дув-дув гап» каби барча учун бирдай севимли фильмлар намойиш этилади. Энг йирик тадбирлардан бири май ойига мўлжалланган. Мамлакатимизда санъатнинг турли йўналишлари тарихи ва ривожланишига бағишланган илмий-амалий конференция ташкил этилиб, унга республикамиздаги барча турдош олий ўқув юртлари таклиф этилади.

Миробод туманида мамлакатимиз таълим тизимининг янги солномасидан алоҳида ўрин олган иккита олий ўқув юрти жойлашган. Ўн йил аввал республикамизда биринчи халқаро таълим муассасаси — Тошкент халқаро Вестминстер институти ўз фаолиятини бошлади. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг филиали эса мана, учинчи ўқув йилини якунлаш арафасида. Бу таълим муассасаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз, чунки Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган мазкур тадбирнинг ташаббускори бўлиш билан бирга, уни ўзига хос тарзда ўтишини ҳам таъминлаб берди.

Мамлакатимиз Президентининг қарорига мувофиқ ташкил этилган Москва давлат университетининг Тошкент филиали фаолияти МДУ томонидан қабул қилинган меъёрлар, олий таълим сифатига нисбатан умумэътироф этилган халқаро талаблар ва албатта Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсад ва вазифаларига суянган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилгандир. Бугунги кунда филиалда амалий математика ва информатика ҳамда психология каби иккита факультет мавжуд бўлиб, республикамизнинг барча минтақаларидан саралаб олинган 230 нафар ўғил-қизлар таҳсил олмоқда. Ўқув ва тегишли амалиёт машғулотларини МДУ профессор ва етакчи ўқитувчилари, шунингдек, республикамизнинг соҳага оид кучли мутахассислари олиб боради. МДУ филиали ректори Рустам Ҳамдамов ахборотига кўра, яқин келажакда филиал негизида академик лицей ташкил этиш кўзда тутилган. Ушбу ўрта бўғин ўқув юрти битирувчилари, агарда тегишли синовлардан муваффақиятли ўта олса, келажакда албатта МДУ филиали талабалари бўлиш имкониятини ҳам қўлга киритади.

Туманнинг замонавий қиёфасини кўркам ва обод мавзелар, равон ва файзли кўчаларсиз тасаввур қилиш қийин. Туман ҳокими Бахтиёр Раҳмонов таъкидлаб ўтганидек, Миробод тумани пойтахтнинг марказида жойлашганини инобатга олган ҳолда кутилаётган кетма-кет байрамларга тайёргарлик жараёнида биринчи навбатда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини фаоллаштириш зарур. Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган алоҳида чора-тадбирлар бўйича жорий йил 1 августга қадар бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми анча кўп. Жумладан, Бехтерев, 8 Март, Талимаржон, Меҳржон, Банокатий, Азиз Қодиров кўчалари бўйича 250 минг квадрат метр ерга асфальт ётқизиш, 50 та кўп қаватли уйнинг ташқи кўриниши, 40 та болалар майдончаси, 30 та уйнинг ертўла қисмини таъмирлаш, олтитасида муҳандислик тизимини алмаштириш, 350 га яқин ноқонуний қурилмалар ўрнини тартибга келтириш режалаштирилган. Кейинги икки йил ичида ҳокимлик ва ҳомийлар ёрдамида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда тумандаги деярли барча кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари тубдан таъмирланганди. Айни кунларда уларда қайта тафтиш ўтказилиб, жорий таъмирлаш ишлари бошланади, шунингдек 20 та лифт тубдан таъмирланиб, бештаси янгиланади.

Пойтахтнинг 2200 йиллик тўйига биргина Миробод туманида 38 та объект фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган, шу жумладан 10 та хорижий сармоялар иштирокида ишлаб чиқариш корхоналари ҳам иш бошлайди. Туманнинг яшил камари ҳам янада кенгаяди. Наврўз шодиёналари олдидан маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудида, хиёбону катта кўчалар бўйлаб 1000 дан зиёд манзарали дарахт ўтқазилади.

— Мутахассисларнинг шаҳар тарихи унинг кўчалари, маҳаллалари, туманларидан бошланади деган фикрни кўп билдириши бежиз эмас, — деди тадбир сўнгида алоҳида таъкидлаб туман ҳокими Б.Раҳмонов. — Шундай экан, азим шаҳримизнинг янги солномасида ҳам барча ўз ўрнига эга бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун туманимиз фуқаролари ҳам, бу ерда иш ёки ўқиш билан машғул бўлаётган каттаю кичик ҳам ушбу саъй-ҳаракатга бирлашиб, пойтахтимизнинг янада обод бўлиб, гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшади деган умиддамиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*Қарор ва ижро*

# МЕНИНГ УЙИМ — МЕНИНГ ШАҲРИМ

***Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги нишонланадиган мазкур йилда барчанинг диққат-эътибори шаҳримизнинг қутлуғ тўйига қизғин тайёргарлик кўриш ва уни муносиб нишонлашга қаратилган. Дарҳақиқат, Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш, жумладан пойтахтда кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига кўмаклашиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Экосан» халқаро ташкилотининг шаҳримиз юбилейига бағишланган «Тошкент экологияси: менинг уйим- менинг шаҳрим» шиори остида ўтказиладиган қўшма тадбирлар дастури қабул қилинди.***

Яқинда «Экосан» халқаро ташкилотида мазкур дастурнинг амалиёти масаласини муҳокама қилиш мақсадида учрашув бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Ободонлаштириш бош бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Махсустранс» корхоналари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ва уларнинг барча туман бўлимлари ва бошқа қатор тегишли ташкилотларнинг раҳбар ва вакиллари иштирок этди. Йиғилишда таъкидланганидек, 2 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган, 500 та саноат ва бошқа корхоналар жойлашган, 300 минг автомобиллар эксплуатация қилинаётган Тошкент шаҳрида барқарор экологик вазиятни таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Маълумки, «Экосан» халқаро ташкилоти ўз фаолиятида шаҳардаги барқарор экологик вазиятни сақлашда иштирок этишга, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этишга, «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган тадбирларни амалга оширишга саноат, қурилиш, транспорт, корхона ва ташкилотлари жамоаларини кенг жалб қилишга доимо эътибор қаратиб келган. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб ташкил қилинаётган мазкур тадбирларнинг асосий мақсади ҳам пойтахтимиздаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида кенг жамоатчилик иштирокини жадаллаштириш, пойтахт маҳаллаларида экологик ва санитар-гигиеник ҳолатларни янада яхшилаш, бунга маҳаллалар аҳлини кенгроқ жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш, экологик билимларни кенг тарғиб қилиш, бу борадаги мавжуд ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, умуман экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ютуқ ва натижаларни халқимиз ўртасида кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ушбу мақсадларда қатор танловлар, экологик фестиваллар ва ҳашарлар, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда саноат, энергетика ва аграр соҳаларда экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш борасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларни акс эттирувчи кўргазмалар ташкил қилинади. Жумладан, «Экосан - Тошкент маҳаллаларида» шиори остида «Наврўз», «Халқаро оила куни», «5 июнь-Бутунжаҳон атроф-муҳит куни»га бағишлаб маҳаллаларда Тошкент экологиясига бағишланган учрашувлар ва улар доирасида хайрия акциялари, Тошкент шаҳрининг маданият ва истироҳат боғлари ўртасида «Энг намунали дам олиш истироҳат боғи» кўрик-танлови, «Тошкент экологияси — болалар нигоҳида» мавзусида шаҳримиздаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактабларнинг 1-7-синф ўқувчилари ўртасида асфальтга расм чизиш бўйича танлов туманлар ва шаҳар миқёсида ўтказилади. Шунингдек, «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа», «Махсустранс»нинг энг яхши экипажи уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасида «Энг намунали йўлак», «Энг намунали кўп қаватли уй» йўналишлари бўйича танловлар ўтказиш режалаштирилди. Учрашувда таъкидланганидек, юбилей тадбирларини Тошкент шаҳрининг узоқ ўтмишига бориб тақаладиган кўҳна тарихи билан боғлиқ манбаларидан жамланган илмий-тадқиқот ишлари ва фундаментал маълумотлар билан бойитиш мақсадида «Қадимий Тошкент тарихида табиат ва инсон муносабатлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияга тайёргарлик бошланди.

Йиғилиш иштирокчилари мазкур танловларнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда катта аҳамият касб этишини қайд этиб, унда ҳар бир ташкилотни фаол иштирок этишга чақирди.

**Гулором ҲАМИДОВА**



*Танловлар*

# ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА



**ЁШЛАРНИ КОНСТИТУЦИЯ, ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ЖАМИЯТДА ҚОНУННИНГ УСТУВОР БЎЛИШИГА ЭРИШИШДА ФАОЛ ҚАТНАШИШ, УЛАРНИ ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТЎЛА АНГЛАБ ЕТИШЛАРИГА КЎМАКЛАШИШ, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, УЛАРНИНГ ДИНГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРИНИ РЕСПУБЛИКА ҚОНУНЛАРИ ДОИРАСИДА ШАКЛЛАНТИРИШГА КЎМАКЛАШИШ ҲАМДА ИҚТИДОРЛИ ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАҚСАДИДА КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ТАДБИРЛАР, КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.**

Куни кеча юқоридаги мақсадлар йўлида ташкил этилган «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар қатнашиб, ўз билим ва иқтидорларини намоён этдилар.

Қизғин ва муросасиз кечган ушбу баҳсда Ҳамза тумани Хотин-қизлар коллежининг «Адолат» жамоаси саҳна кўринишларида барчани лол қолдириб энг фаол иштирокчи деб топилган бўлса, шартлар бўйича ғолибликни қўлга киритган Тошкент юридик коллежининг «Камолот» жамоаси Республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловга йўлланма олди.

— Ёшларимизнинг ушбу танловга катта тайёргарлик кўргани, олган билим ва тарбиялари бизни қувонтирди, — дейди Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг ходими Аброр Бердиев. — Албатта бундай танловлар ёшларнинг юксак камолоти, ҳуқуқий саводхон, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

Тадбир сўнгида барча ғолиб жамоа ва иштирокчилар эсдалик совғалари ва Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар**

# ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2009 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.**

Адлия вазири Р.Муҳиддинов Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Адлия органлари мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи кўплаб қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва ижросини таъминлаш борасида изчил фаолият олиб бораётир. Жумладан, ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари борасида бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили адлия органлари томонидан мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан, 250 дан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилган тадбирлар ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид мурожаатларининг аксарияти қаноатлантирилди. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментининг иш юритувидаги мавжуд ижро ҳужжатларининг 85 фоизи ижроси тўлиқ таъминланди. Нотариуслар, ФХДЁ органлари томонидан фуқароларга сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатилмоқда. Ўтган йилда Адвокатлар палатасининг фаолият бошлагани фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялашда яна бир муҳим қадам бўлди.

Тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш борасида 85 миллиард сўмликка яқин 38 мингдан ортиқ даъво аризаси қаноатлантирилди. Тегишли органларга киритилган тақдимномаларга асосан мингдан зиёд турли ноқонуний ҳужжатлар бекор қилиниб, ижроси тўхтатилди. Ноқонуний равишда олиб қўйилган 15 миллиард 28 миллион сўм маблағ ўз эгаларига қайтарилди.

Йиғилишда адлия идоралари томонидан жорий йилда амалга ошириладиган долзарб ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ

**УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ ДИЗАЙН КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА «ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИ — 2009» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамкорлигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ёшларда истеъмолчи сифатида ҳуқуқий билимини ва истеъмол маданиятини ошириш мақсадига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳар биримиз моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёнида бевосита истеъмолчига айланамиз. Юртимизда қабул қилинаётган қонунлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар фақатгина фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиши билан аҳамиятга молик. Бундай тадбирларнинг ўтказилиши эса ёшларни истеъмолчилик борасидаги ҳуқуқларини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Сабаби ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида албатта истеъмолчи сифатида ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Тўртинчи бор ўтказилаётган кўрик-танловда ўқувчилар учта шарт бўйича ўз билимини синовдан ўтказди. Биринчи шартда ўқувчилар ўзларини таништириш шиорлари ва қисқа саҳна кўринишлари намойиш этган бўлса, иккинчи шартда ҳакамлар ҳайъати томонидан тузилган саволларга жавоб беришди. Танловнинг асосий шарти истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунчилигига оид тест саволлари бўлди.

Худди шундай тадбир Сергели политехника касб-ҳунар коллежида ҳам ўтказилди. Унда тумандаги олтита коллеж ўқувчилари бўлажак ҳамширалар, иқтисодчи, дурадгор, механик ва маиший хизмат соҳасида фаолият кўрсатувчи ходимлар сифатида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган амалдаги қонунларини қандай билишларини намоён қилишди.

Танловда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ўқувчилар шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Ғолибларга ҳомий ташкилотлар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

# ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДА «ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ» МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Республика Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир таълим муассасаларида ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган.

Бугун дунё миқёсида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланган гиёҳвандликка қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир халқ ёш авлодни соғлом вояга етишини истайди. Тадбирда таъкидланишича, ёшлар онгига ватанпарварлик руҳини сингдириш, одоб-ахлоқ тарбиясида тўғри ёндаша олиш эътиборга молик. Айниқса, глобаллашув жараёнида бўлаётган таҳдидлардан уларни ҳимоя қилиш, уларга гиёҳвандлик каби салбий ҳолатлар тўғрисида тўла тушунча бериш ва олдини олишга қаратилган тадбирларнинг ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда инсон умрига завол бўлаётган гиёҳвандлик каби салбий иллатларга айрим ёшларнинг билиб-билмай адашиб кириб қолаётгани сабаблари ва унинг аянчли оқибатлари хусусида атрофлича фикр билдирилди. Айниқса, Ички ишлар вазирлиги томонидан тайёрланган гиёҳвандликнинг ачинарли ва даҳшатли оқибатлари акс эттирилган ҳужжатли фильмнинг намойиш этилиши иштирокчиларни янада ҳушёрликка чорлади.

– Бизнинг касбимиз педагог, яъни ёш авлод тарбияси билан боғлиқ, – дейди талаба Нилуфар Қосимова. – Бу сингари тадбирларнинг уюштирилиши эса биз талабалар учун айни муддао. Чунки гиёҳвандликнинг ёмон оқибатлари тўғрисида янада тўлиқроқ маълумотга эга бўлишимиз, келгуси иш фаолиятимизда қўл келиши табиий.

Тадбирда мутахассисларнинг маърузалари тингланди. Бу иллат оқибатида инсонни нафақат меҳнатга, ҳатто яшашга бўлган иштиёқи ҳам йўқолиши қайд этилди. Ўзаро мулоқот чоғида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**“Туркистон-пресс”**

